


Ишчи гуруҳ Жиззахда

Ўзбекистон ковули

Европа бозорларига кириб бормоқда

Жорий йил январь-август ойларида ковул экспорти 2,3 минг тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоиз, яъни 94 тоннага ошган..

5-саҳифа ▶



Ташаббус

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ
АГРОКЛАСТЕРЛАР
РАЎБАРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА
АГРОКЛАСТЕРЛАРИГА
МУРОЖААТИ

7-саҳифа ▶



Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 29-oktabr, payshanba 58-59 (9095-9096)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



**ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИНИ
ЯРАТИШДА ФЕРМЕРЛАР
ТАШАББУС КЎРСАТМОҚДА**

Наманган вилояти

Наманган вилоятида 2020-2021 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Тўрақўрғон туманидаги "Шоҳидон бургути" фермер хўжалиги ҳам бу борада ўз ташаббуси билан чиқди. Мазкур хўжалик қиш-баҳор мавсуми учун 211 тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, жумладан, 126 тонна картошка, 36 тонна пиёз, 28 тонна сабзи ва 21 тонна гуруч ва тули мевалар жамғаришни

мақсад қилган. Ҳозиргача ушбу маҳсулотларнинг 42 тоннаси, яъни 19,9 фоизи жамғарилди.

Жамғарилган маҳсулотни сақлаш учун хўжаликда 600 тонна сигимдаги музлатгичли омборхона мавжуд.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил учинчи чорагида бажарилиши юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.

Мазкур муҳокама Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "youtube.com"даги расмий саҳифасида тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Давлат дастури бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Азиз Абдухалимов ҳисобот берди.

Жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича жами 284 та банддан иборат Давлат дастурининг 173 та банди ижросини таъминлаш назарда тутилган. Шундан ҳисобот даврида 99 та банд тўлиқ бажарилган, 15 та банднинг ижро муддати белгиланган тартибда узайтирилган, 53 та банд эса бажарилмоқда, 6 та банднинг ижросини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН ИННОВАЦИОН КЛИНИКА

Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний туманида яқинда иш бошлаган "Доктор Мақсудова" инновацион клиникасида кўз касалликларини тиббиётнинг энг сўнгги услубида даволаш ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ўтказилган мажлис баёнига асосан барпо этилган офтальмология ва диагностика шифохонасининг лойиҳа қиймати 11 миллиард сўмни ташкил этди.

Ушбу клиникада теле-

медицина маркази ҳам ташкил қилинган бўлиб, эндиликда аҳолининг узоғини яқин қилган ҳолда чет эллик малакали шифокорлар билан ҳамкорликда тажриба алмашиш ишлари олиб борилади. Офтальмология ва диагностика, стоматология, ЛОР комбайн, гинекология-видеокольпоскопия, кардиоло-

гия, ЭКГ, УЗИ хизматлари кўрсатилади. Бу ерда мавжуд замонавий технологик ускуналар АҚШ, Япония ва Германия давлатларидан олиб келинган. 10 нафар малакали шифокор ва 18 нафар ишчи ходим беморлар саломатлиги учун масъул.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўққинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчиға йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очкилик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан **3 мингга яқин** давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилганлиги ва **иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш** бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцияли самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари рўйхати **3-иловага** мувофиқ;

Давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

Хусусий секторга сотиладиган давлат кўчмас мулки объектлари рўйхати **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 24 та штат бирлигидан иборат **Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин. Мазкур штат бирликлари молия ва давлат солиқ хизмати органларининг 12 тадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб мазкур Фармоннинг 1-иловасида келтирилган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгилансин:

Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

2021 йил 1 апрелга қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш

учун киритиш;

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцияли самарадорлигини ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда "мувофиқлик тизими" (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувиға халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

3. Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 1-иловасидаги, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ушбу Фармоннинг 2-иловасидаги давлат иштирокидаги корхоналар бўйича:

2021 йил 1 январга қадар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳоланадиган конлар (давлат захиралари) рўйхати ва "йўл хариталари"ни тасдиқласин;

2021 йил 1 февралга қадар 2021 йил учун корхоналарнинг бюджет лойиҳасини ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июлга қадар 3 йиллик бизнес режаларини (жорий фаолияти, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари, шу жумладан, халқаро молия бозорлари маблағлари ҳисобидан, молиявий модели) ишлаб чиқишни таъминласин;

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳаларини хатловдан ўтказиб, бошланмаган ҳамда молиявий манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни тўхтатиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) **2021 йил 1 январга қадар** мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ушбу Фармоннинг 1 ва 2-иловаларидаги ҳар бир корхона кесимида "йўл хариталари"ни тасдиқласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Агентлик:

2020 йил 1 декабрга қадар рақобат муҳитига таъсир қиладиган имтиёз ва преференцияларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 январга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда "Ўзагросервис" ва "Ўзагрокимёхмия" акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий қўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари асосида йўлга қўйиш ва соҳада хусусий секторни ривожлан-

тириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Молия вазирлигига Департамент фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ва Агентликка қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

танлов асосида халқаро миқёсда етакчи бўлган консалтинг, аудит, "хедхантер" ва бошқа зарур компаниялар ва экспертларни жалб қилиш ҳамда улар билан шартномалар тузиш;

лойиҳа офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, халқаро молиявий ташкилотларнинг грант ва қарз маблағлари).

6. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов) 3-иловада келтирилган хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активларининг ҳар бири бўйича:

2020 йил 15 ноябрга қадар ишчи гуруҳлари шакллантирилишини;

2021 йил 1 февралга қадар хусусийлаштириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун консалтинг ташкилотлари жалб қилинишини ва амалга ошириладиган ишлар бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров, Ш.Ҳидоятлов), Агентлик (С.Бекенов) икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-иловасида келтирилган давлат иштирокидаги лойиҳа-тадқиқот ташкилотларини қайта хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш соҳасидаги нуфузли ташкилотларга сотиш ҳамда хусусийлаштириш бўйича "йўл хариталари"ни тасдиқласин.

8. Мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдоларга чиқарилишини самарали ташкил этиш бўйича масъул шахслар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг янги-ланган таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов)га:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

махаллий ва хорижий инвесторларни ҳудудларда сотувга чиқариладиган давлат активлари билан таништириш юзасидан зарур чораларни кўриш;

хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларини ташқи инфратузилма тармоқлари билан узлуксиз таъминлаш;

хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлаши ва самарали фаолият кўрсатиши бўйича шарт-шароитларни яратиш; инвесторларни жалб қилиш бўйича бошқа зарурий чораларни кўриш топширилсин;

б) мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 миллион сўмдан ошмаса, уларни истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал

улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга қўйиб бориш топширилсин;

в) Агентлик томонидан 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларига мувофиқ корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектларининг оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш топширилсин;

г) қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин: мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларидаги давлат акция пакетлари (улушлари), кўчмас мулк объектлари баҳоланган нархда оммавий савдоларда **уч ой муддат давомида** сотилмаган тақдирда, уларнинг **бошланғич нархини** Агентлиكنинг таклифига асосан қайта белгилаш; Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан сотилиши белгиланган давлат активларини сотиш шартлари ва шакллари белгилаш;

кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклландириган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

11. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 4-иловасига киритилган корхоналар:

давлат акция пакетлари (улушлари) **битта лот** асосида савдога чиқарилади;

соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 миллион сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) **уч ой давомида** сотилмаган тақдирда, улушлар **“1 сўм”** бошланғич нархда, акция пакетлари **“1 та акция – 1 сўмдан битта лот”** тамойили асосида қайта савдога чиқарилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат объектларини “ноль” харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида **“1 сўм” бошланғич қийматда** оммавий савдоларга чиқарилади;

давлат унитар корхоналари хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади;

мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги **давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали** хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорида **белгиланади;**

давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда **бўлиб-бўлиб тўлаш шarti асосида** амалга ошириши мумкин;

давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикага асосан қисман тўловни амалга оширган хариддорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида **“тасарруф этиш ҳуқуқисиз” эгалик сертификати берилади;**

давлат кўчмас мулки объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган хариддорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширилгунга қадар **“тасарруф этиш ҳуқуқисиз” давлат ордери берилади.**

13. Агентлик Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **уч ой муддатда бозор ва савдо, комплекслари**

бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

бозорлар ва савдо комплекслари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида **бозор ва савдо комплексларини сотишдан олдин тайёрлаш ишларини амалга ошириш бўйича бошқарув компанияларини ташкил этиш;**

илғор хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган **бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш;**

бозор ва савдо комплексларидаги **хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш** назарда тутилсин.

14. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов, Л.Қудратов, Ш.Вафоев) Агентлик билан биргаликда:

а) мазкур Фармонга мувофиқ сотиладиган корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектлари бўйича:

оммавий савдоларга чиқаришдан олдин маҳаллий ва халқаро инвесторларни жалб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун мунтазам равишда учрашув, мулоқот ва тақдиротлар (“Road Show”) ўтказсин;

мазкур Фармоннинг 3-иловасидаги давлат иштирокидаги корхоналарга илғор тажрибага эга салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича манзилли ишларни ташкил қилсин;

б) 2021 йил 1 февралга қадар хорижий тажрибани ўрганган ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятига **ташқи бошқарувчи жорий этиш** ҳамда уларни **босқичма-босқич хусусийлаштириш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Агентлик:

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни сотиш, ижарага ёки ишончли бошқарувга бериш;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда **уч ой муддатда** давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналар ва тижорат банкларининг асосий фаолиятига **мос бўлмаган** активларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни оммавий савдолар орқали сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда:**

муассаса сифатида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

филиал кўринишида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

давлат улуши сақлаб қолинандиган корхоналар рўйхатини;

тугатиш ёки банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиладиган истиқболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар кўриб ишлаган ва паст рентабелли давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини тасдиқласин.

17. Агентлик Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда **“E-jro aukcion”**

ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг **шаффофлигини таъминлаш**, субъектив ёндашуларни тўлиқ истисно қилиш ва хариддорларга қулайлик яратиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва тасдиқла-нишини таъминласин;

2021 йил 1 январга қадар ягона электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган савдолар тартиб-таомилларини бирхиллаштириш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш ва унинг асосида давлат органлари билан ўзаро интеграция қилинган савдо майдончасининг такомиллаштирилган дастурий таъминотини ишга тушириш;

2021 йил 1 январдан бошлаб барча аукцион савдолари натижаларини **QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштириш;**

давлат кўчмас мулки объектлари ва улушларини сотиш бўйича такрорий **аукцион савдоларини ҳар 10 календарь** кунда бир маротаба даврийликда амалга ошириш;

хариддорларнинг таклифларини аукционда **лотлар эълон қилинган пайдан бошлаб қабул қилиш;**

давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган буюртманома фақат бир нафар талабгор томонидан берилган бўлса, ушбу **ягона иштирокчи билан олди-сотди шартномасини тузиш**, бундан **“1 сўм”** бошланғич нархда савдога чиқарилган давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари мустасно.

18. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ёритишга қаратилган** медиа-режани тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

19. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) Бош прокуратура билан биргаликда давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиб олган инвесторларнинг, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, уларни жамият бошқарув органида иштирок этишида тўқсинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда қонунчиликда белгиланган қатъий чоралар кўрилишини таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2020-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин;

2020 йил 1 декабрга қадар “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги ва “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин;

уч ой муддатда хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, унификация қилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги янгиланган низоомларни тасдиқласин.

21. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 октябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

(Боши 1-саҳифда)

Ҳукумат томонидан парламентга тақдим этилган ҳисоботда келтирилишича, жорий йилнинг январь ва сентябрида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 0,3-0,5 фоизни, жумладан, sanoat – 98,6-99 фоизни, хизматлар – 99,5 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги – 102,9 фоизни, қурилиш ишлари – 107,9 фоизни ташкил қилган.

Пандемия шароитида аҳолининг муҳтож қатламини моддий ва номоддий қўллаб-қувватлашни тизимли амалга ошириш мақсадида жойлардаги 4 та сектор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда эҳтиёжманд, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати – “темир дафтар” ташкил этилди.

Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга 2 триллион 719 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар дори воситалари ва тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш харажатларига йўналтирилди.

Ўтган давр мобайнида давлат дастурлари асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг ўз даромад манбаини шакллантириш борасида мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 9 январдаги қарорига асосан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига ҳозирги кунга қадар 43,6 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонларига асосан солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан 5,4 триллион сўмлик имтиёз ва енгилликлар қўлланилди.

Шунингдек, карантин талаблари босқич-ма-босқич юмшатилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва иш ўринларини сақлаб қолиш ва тиклишни учун имтиёз, имконият ва преференциялар берилиши натижасида йил бошидан 54 мингта, ўтган бир ой давомида 8,2 мингта юридик макомга эга бўлган ўрта, кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 90,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Ҳукумат тақдим этган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати халқ вакилларининг жонли, қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, коронавирус пандемияси боис, юзага келган объектив сабаблар туфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирда таъминланмаганини қайд этди.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда тобора долзарб аҳамият касб этаётган замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ йўл инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи

“Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш” бўйича бошланган ишлар ўз якунига етмаган.

Шу билан бир қаторда, хусусий тиббиётни янада кенгайтириш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, Илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш каби вазифаларни назарда тутувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишини тезлаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат дастурининг жорий йил учинчи чора-гидаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён қилди. Ҳукуматга Давлат дастури ижросини тўла таъминлаш бўйича таклифларини илгари сурди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашиб, самарали фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратиб берилгани, айниқса, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга катта эътибор қаратилганини эътироф этдилар.

Шу билан бирга ҳар бир банд, белгиланган вазифанинг тағ-замирида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашдек муҳим мақсадлар тургани айтилиб, уларнинг ижросини кечиктирмасдан, ўз вақтида адо этиш лозимлиги таъкидланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров дастурда кўзда тутилган, таълим-тарбиянинг асосий бўғини ҳисобланган мактабларнинг қурилиш-монтаж ишларини таҳлил қилган ҳолда, бу борадаги ҳаракатларни жонлантириш лозимлигини қайд этди. Халқ таълими вазирлиги томонидан давлат дастурини амалга оширишда мактабларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари бажарилаётган бўлсада, мазкур қурилиш-таъмирлаш ишларида мактаб ошхоналари кўзда тутилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирда республика бўйича 70 фоизга яқин мактабларнинг ошхонаси мавжуд эмас. Борларида эса ошхона фаолияти умуман қониқарсиз.

Шу билан бирга мамлакатимизда мактаб-гача ёшидаги болаларнинг таълим тизимида тўлақонли қамраб олишни 60 фоизга етказиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлиги айтилди. Зеро, ҳозирда мактабгача ёшдаги болалар қисман ёки муддатли қамрови ҳам мавжуд. Давлат дастурида эса болаларни тўлақонли қамраб олиш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг фикрича, давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз муддатида ва лухта бажарилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат томонидан мунтазам муҳокамалар ўтказиш тизими йўлга қўйилгани давлат бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳ-



барларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга ижроси таъминланмаган бандларга ҳам эътибор қаратилиб, аксарият вазифаларнинг бажаришда йўл қўйилган камчиликлар, ижро этиш ҳолатининг кечикканлиги ёки етарлича асосга эга бўлмайд вазифалар муддати узайтирилгани жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди. Шу боис, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, барча вазифалар бўйича белгиланган ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари пандемия давридаги қийинчиликларга қарамай, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилганини, хусусан, партия электорати бўлган жамиятдаги эҳтиёжманд қатлам манфаатларини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилаётганини эътироф этдилар.

Шу билан бирга камбағалликни қисқартириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари ҳисобот даврида энергия ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбалари ва илғор технологияларни жорий этиш орқали энергия самарадорлигига эришишга жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Шу билан бир қаторда аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас долзарб масаласи саналишидан келиб чиқиб, республика миқёсидаги барча сув ресурслари ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг ягона тизимини ташкил этиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш муддатларининг узайтирилганини танқид остига олиб, уларни ўз вақтида самарали ва сифатли бажарилиши лозимлигини таъкидладилар.

Палатадаги барча фракцияларининг ҳисобот юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эшитилгач, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуладилар ҳамда қарор қабул қилдилар.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Жорий йилнинг 21-23 октябрь кунлари Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳининг вилоятдаги бир қатор туманларнинг аграр соҳадаги салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, соҳани жадал ривожлантириш, ер ва сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Жиззах вилоятига сафари ташкил этилди.



АГРАР СОҲАДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Республика Ишчи гуруҳи жойларда 9 та асосий йўналиш бўйича иш олиб борди. Жумладан, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, пахта йиғим-теримини жадаллаштириш, озиқ-овқат лойиҳаларининг амалга оширилиши, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш кўрсаткичлари, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишда янгича ёндашув, интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда лойиҳаларни тўлиқ шакллантириш юзасидан кичик гуруҳлар иши ташкил этилди.

Туманлардаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, тадбиркорлар, инвесторлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари билан манзилли учрашувлар олиб борилди ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.



Ўзбекистон ковули Европа бозорларига кириб бормоқда

Республика ишчи гуруҳи Фориш туманида жойлашган “O'RMONCHACAPERS” ковул довчасини қайта ишлаш лойиҳаси фаолияти билан ҳам танишди.

Ўзбекистонда жорий йил январь-август ойларида ковул экспорти 2,3 минг тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоиз, яъни 94 тоннага ошган. Жиззах вилояти ковул етиштиришда республикада етакчи ҳисобланади.

“O'RMONCHACAPERS” МЧЖ раҳбари Алишер Аҳмедовнинг маълум қилишича, бугунги кунда ковул довчаси ва меваси Италия, Испания, Россияга экспорт қилинмоқда. Корхонада 35 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 6 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Республикада доривор ўсимликларга бўлган қизиқиш ортиб, 2019 йилда доривор ва зиравор ўсимликлар майдони 11,5 минг гектар бўлган бўлса, жорий йилда 13,2 минг гектарга етди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлар якунида Жиззах вилоятининг туман ва шаҳарлари ҳокимлари, сектор раҳбарлари, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар, пахта кластерлари раҳбарлари иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, вазифалар белгилаб олинди ҳамда масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ахборот хизмати.**

“JIZZAX AGRI TRADE” МЧЖ йилига 3 минг тоннагача мош маҳсулотларини Хитойга экспорт қилмоқчи

Вазир Ж.Ходжаев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи дастлаб Пахтакор туманига ташриф буюриб, “JIZZAX AGRI TRADE” МЧЖ фаолияти билан танишди.


Пахтакор тумани республикада энг кўп мош етиштирувчи туманлардан бири бўлиб, бу ерда “JIZZAX AGRI TRADE” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 2017 йилдан буён фаолият олиб бормоқда.

Корхонани ташкил этишда 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағлари жалб этилган. Корхона йилига 10 минг тонна мошни экспорт қилиш имкониятига эга.


“JIZZAX AGRI TRADE” МЧЖ раҳбари Ильяр Иргашевнинг билдиришича, жорий йил якунига қадар 3 минг тоннагача мош маҳсулотлари Хитойга экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Айни пайтда бу ерда дуқакли маҳсулотлар сифатини таҳлил қилувчи ҳамда уларнинг намлигини ўлчовчи кимёвий лаборатория фаолият олиб бормоқда.

Маълумот учун, жорий йилда Жиззах вилоятида 2020 йил ҳосили учун 2025 гектар майдонга мош маҳсулоти экилган бўлиб, 2021 тонна ҳосил олинishi режалаштирилган.



Жиззахда йилига 35 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга кластер ташкил этилади



дона қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келинган. Ҳозирги кунда пахта териш ишлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа бўйича кейинги босқичларда тайёр трикотаж маҳсулотлари, пахта чигитидан ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уруғчилик ишларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Республика ишчи гуруҳи, шунингдек, Пахтакор туманидаги “SILVERLEAF” МЧЖ лойиҳаси фаолиятини ўрганди.

Лойиҳа 2019-2023 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, умумий қиймати 344,0 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келади. Йилига 35 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга лойиҳа доирасида 500 нафар янги иш ўрни яратилган.

Бугунги кунгача 23 дона юқори унумли ҳайдов трактори, 28 дона пахта териш машинаси, 12 дона култиватор, 62 дона агрегат ва бошқа техникалар, жами бўлиб 125

Барча жараёнлар ОАВ нигоҳида

Тошкент вилояти

Сир эмаски, кейинги вақтларда Тошкент вилоятида қарийб барча соҳаларда ўзига хос янгиланиш, ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Ушбу жараёнлар шаффофлигини очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, соҳалар бўйича эришилаётган натижаларни жамоатчиликка етказиш бўйича ҳам эътирофли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишда ўтган қисқа даврда вилоят ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, матбуот котиби Бекзод Қобулов ташаббуси билан мамлакатимизда чоп этилаётган кўплаб оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, журналист ва блогерлар учун бир нечта медиатурлар ташкил этилди. "Ангренкўмир" АЖ ҳамда чорвачиликка ихтисослаштирилган Оҳангарон туманига уюштирилган пресс тадбирлар шулар жумласидандир. Навбатдаги медиатур Куйи Чирчиқ туманида бўлиб ўтди. Жараён тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилишдан аввал шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда оғир пандемия шароитларига қарамай вилоят фермер ва деҳқонлари аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турлари бўйича яхши натижаларга эришдилар. Ғалла, пахта, мева, сабзавот, чорвачилик, пилла ва шoliчилиқда катта ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, жорий йилда етиштирилган 229 минг 600 тонна пахта ҳосилининг 192 минг 180 тоннаси бугунги кунда энг истиқболли усул сифатида эътироф этилиб, тан олинган 7 та пахта тўқимачилик кластерлари, 37 минг 420 тоннаси эса 3 та пахта тўқимачилик кооперациялари улушига тўғри келди. Бошқача айтганда, уюлган ялпи



пахта хирмонининг 45 фоизи айнан туманларда ташкил этилган кластерлар ҳиссасидан иборат бўлди. Таҳлиллар кластерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсганлигини кўрсатди.

ОММАЛАШТИРИШГА АРСИЙДИГАН ТАЖРИБА

"Tashkent Cotton Textile cluster" (TCT Cluster) кластери бугун нафақат Тошкент вилоятида, балки илғорлик бобида ҳам мамлакатимиздаги истиқболли меҳнат жамоаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда "TCT Agrocluster" билан бирга "TCT Rike" шoliчилиқ ҳамда "TCT Fish" балиқчилик кластерлари фаолият юритмоқда. Хўш, янги тизимдан кейин аҳвол қандай бўлди? Мана, иккинчи йилдирки, илгари вилоятдаги энг қолоқ ҳисобланган Куйи Чирчиқ тумани қишлоқ хўжалиги экин турларини етиштиришда юқори натижага эришмоқда. Албатта, бу кластернинг самарадорлигидандир. Жорий йилда ҳам туман пахтакорлари белгиланган маррани вилоятда биринчи бўлиб забт этдилар. Кластер жамоаси томонидан эрта кўкламда 10 минг гектар ерга ғўзанинг Бухоро ва Султон навлари жойлаштирилганди. Барча агротехник тадбирларнинг замонавий асосда

ташкил этилганлиги юқори ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлди. Ҳозиргача шартнома уудаланиб, ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган бўлишига қарамай, заршунослар терим суръатини бир дақиқа ҳам сусайтирмаптилар. Ҳосилдорлиқни 42 центнерга етказиб, ялпи пахта хирмонини 42 минг тоннага кўтариш ниятида шижоат кўрсатилмоқда. Ҳосилни сарамжомлаб олишда машиналар теримига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кластер раҳбарияти келгуси йил ғўза майдонларини бунданда машинабop қилиб, етиштирилган ялпи ҳосилнинг 90 фоизини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олишни режалаштирган.



ЯНГИ ТЕГИРМОН ЯНГИ КОРХОНА

Илгарилари туманда етарлича шароит яратилмаганлиги учун шoliчилиқ бўйича ҳам тайинли ҳосил олинмас, чала-чулпа қуритилган хомашё катта харажатлар ҳисобида "Тошкентдонмахсулотлари" корхонаси омборига ташиларди. Ерлар кластер таркибига ўтгач, бу борада ҳам аҳвол бутунлай ўзгарди. Жорий йилда 2,5 минг гектар майдонда шoliнинг "Мустақиллик" ҳамда "Тарона" навлари етиштирилиб, ҳар гектар ердан 70 центнердан ҳосил олинди. Эътирофли жиҳати, айни вақтда туманда Туркиядан олиб келинган, қиймати 1,697 минг евролик замонавий технология асосидаги шoliни қайта ишлаш мажмуаси бунёд этилмоқда. Ушбу ускуналар соатига 10 тонна, мавсум давомида эса 40 минг тонна маҳсулотни қуришиб, қайта ишлаш қуввати эга. Корхона ҳадемай тўлиқ ишга тушади ва кластер жамоасида яна

қўшимча равишда 50 нафарга яқин ёшларнинг доимий бандлиги таъминланади. Шoliнинг туманнинг ўзида сақланиб, қайта ишланиши ортиқча сарф харажатларни камайитириш баробарида, озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий мавжуд бўлишида ҳам муҳим омил саналади.

ИННОВАЦИ – ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

Туманда кластер жамоалари томонидан амалга оширилаётган барча ишларда ўзига хос янгиланган мавжудлиги, ҳар бир соҳага илғор инновацияларнинг жорий этилаётганлиги ушбу тизимнинг истиқболли қанчалар порлоқ эканлигини ҳозирданок очиқ-равшан кўрсатиб турибди. Масалан, мазкур жараёнда бугун нафақат Куйи Чирчиқ туманида, балки Тошкент вилоятида ҳам бутунлай янгилик ҳисобланган табиий ранг бўёқ берувчи индигофера ўсимлиги етиштириш масаласини олиб кўрайлик. "Ранглар қироли" дея таърифланадиган ушбу ўсимлиқдан қадимдан фойдаланиб келишган. Айни дамда ҳам дунё микёсида индигофера ўта қадрли ҳисобланади. Афсуски шунга қарамай мазкур ноёб ўсимлик эътиборсизлик туфайли юртимиз табиатидан йўқолиб кетганди. Кластерлар асосчиси ва раҳбари, иқтисод фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматовнинг сазй-харақати билан ушбу ўсимлик хориждан келтирилиб, дастлаб Бухоро вилоятида экилди. Бу йил туманда мазкур ўсимлик уруғлари 80 гектар майдонга экилиб, парваришланди. Шу билан бир қаторда маҳсулотни қайта ишлаш, бўёқ олиш мажмуаси қурилиши ҳам ниясияга етмоқда.

Балиқни интенсив усулда етиштириш борасидаги ишлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Яқинда Хитойдан 4 та ёпиқ сув таъминоти ускуналари олиб келинди. Ҳозирда мазкур технологияни ўрганиш ишлари олиб бoрилмоқда. Режага кўра улар келгуси йилнинг март ойларида ишга туширилиб, балиқнинг карп турларини етиштириш йўлга қўйилади. Таъкидланишича, ушбу усулнинг афзаллиқ томонлари кўп бўлиб, кичик ҳавзаларда ҳам мўл балиқ етиштириш имконини беради.

Кластер фаолиятидаги энг сўнгги янгиллик бу яқинда мош ва бошқа дуккакли экинлар ҳосилини йиғиштириб олишга мўлжалланган замонавий агрегатларнинг хориждан келтирилиши бўлди. Ҳозиргача бундай мослама турлари мамлакатимизда йўқ эди. Бу қулайлик кластер жамоаларида келгусида ғалладан бўшаган майдонлардан янада самарали фойдаланиш имконини бериб, экспорт салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ АГРОКЛАСТЕРЛАР РАЎБАРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА АГРОКЛАСТЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

ЎРМАТЛИ АГРОКЛАСТЕР РАЎБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР!

Давлатимиз раҳбари жорий йил 13 октябрь куни Оқолтин туманида биз билан бўлиб ўтган суҳбатда: “Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларидаги кластерлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак” ҳамда “кластер тизими – бу манфаатдорлик, соҳага илм-фан ва инновациянинг кириб келиши, қишлоқ хўжалигининг келажаги ва рақобатбардош бўлиши демакдир”, дея таъкидладилар.

Қишлоқда кластер тизими аграр тармоқ иқтисодиётининг “асосий ўсиш нуқтаси” сифатида белгиланди.

Бу янги йўналиш қишлоқ хўжалигига саноатни олиб кириш, хомашёни чуқур қайта ишлаб, рақобатбардош тайёр маҳсулот ва қўшилган қиймат ҳажмини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратишда асосий куч бўлиши учун барча имкониятларни бермоқда.

Аваллари маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар етишмаслиги, сув таъминотидаги узилишлар, кредит олишдаги тўсиқлар, замонавий ускуна ва техникаларни четдан олиб келишда миллий валютаимизни конвертация қилиш билан боғлиқ муаммолар тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятимизни ривожлантиришда катта қийинчиликлар туғдирганини, ўйлаймизки, ҳеч биримиз унутганимиз йўқ.

Бугун янги Ўзбекистонда халқимиз ва келажак авлод фаровонлиги йўлида аниқ режалар, улкан ишлар амалга оширилаётган бир даврда давлатимиз раҳбарининг азму шижоати, кучли ва оқилона сиёсати ҳамда тизимли ислохотлари биз, тадбиркорлар учун янги ва жуда катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Президентимизнинг коронавирус пандемияси келтириб чиқарган иқтисодга қарши кураш шароитида тадбиркорликни, жумладан, агрокластерларни қўллаб-қувватлашга оид қатор фармонлари соҳа вакилларига қаратилган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Ўз вақтида қабул қилинган ушбу ҳужжатларга биноан сув солиғи 50 фоизга қисқартирилди, табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди, олинган кредитлар фоизларини тўлаш узайтирилди.

Энг асосийси, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2019 йилда пахта етиштириш учун олинган кредитларни қайтариш муддати кечиктирилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилди.

Пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигида эркин бозор тамойиллари шакллана бошлади. Биз, тадбиркорлар бундан чексиз миннатдоримиз, албатта.

Учрашувда Ўртбошимиз қўшимча фаолият турларини янада ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисини, айниқса, эҳтиёжманд оилалар, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашда асосий куч бўлишимиз зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу бизнинг ҳамиша энг биринчи даражали вазифамиз бўлиши лозим.



Биз – сирдарёлик тадбиркорлар, агрокластер раҳбарлари яратиб берилаётган ушбу имконият ва шарт-шароитлардан юқори даражада фойдаланган ҳолда, сўнгги уч-тўрт йилда хомашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулот яратишгача бўлган фаолият йўналишларида 1,7 триллион сўмлик лойиҳаларни амалга ошириб, 5 мингдан ортиқ доимий янги иш ўринларини яратдик.

Бу муҳим ишларни изчил давом эттириб, 2020-2021 йилларда қўшимча равишда 3,2 триллион сўмлик лойиҳаларни бажарган ҳолда, яна 12 мингдан ортиқ иш ўринларини яратиб, “темир дафтар”га кирган 4488 нафар, “аёллар дафтари”даги 2587 нафар ва “ёшлар дафтари”даги 4936 нафар ишсизларни банд қилишни олдимизга режа қилиб олганмиз.

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОРЛАР, АГРОКЛАСТЕР РАЎБАРЛАРИ!

Бугун энг шимариб, ғайрат-шижоат билан ишлайдиган замон, давлатимиз раҳбарининг ислохотларига “лаббай” деб жавоб берадиган вақт келди.

Қишлоқ жойларида янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этган ҳолда, халқ дастурхонига сифатли ва арзон маҳсулотларни етказиб бериш орқали, қишлоқ аҳолисининг фаровон турмуш кечириши ва ёрдамга муҳтожларнинг дардига дармон бўлиш учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйишимиз шарт ва зарур деб ҳисоблаймиз.

Айни вақтда биз доимий тарзда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун замонавий корхоналарни ишга туширишимиз, маҳсулотларни экспорт қилишимиз, йил давомида фаолиятимиз узлуксизлигини таъминлашимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, биз, сирдарёлик тадбиркорлар, агрокластер раҳбарлари олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги масалаларга жиддий эътибор қаратишимизни сўраб, мурожаат қиламиз:

БИРИНЧИДАН, фаолиятимиздаги ташкилий масалаларни яна бир бор таҳлилий кўриб чиқиб, “Бугунги пандемия шароитида аҳолига қандай ёрдам бера оламиз?”, деган нуқтаи назар билан олдимизга қўйилган вазифаларни қайтадан

режалаштириб олайлик.

Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ва саноатни ривожлантириш учун барча ишбилармон ва ташаббускор кишиларга кўмакчи, елкадош ва йўл кўрсатувчи бўлишимиз лозим;

ИККИНЧИДАН, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиб, келгуси икки йилда “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”даги ишсиз аҳолининг тўлиқ бандлигини, барқарор даромад олишини, турмуш шароити яхшиланишини ва камбағалликдан чиқишини таъминлайлик;

УЧИНЧИДАН, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, рақамли технологияларни жорий қилиш, ресурс тежовчи замонавий услулари қўллаш ва қишлоқ хўжалигида механизация даражасини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш таннарини камайтириш ва ҳосилдорликни кўпайтириш ҳисобига манфаатдорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратайлик;

ТўRTИНЧИДАН, бугунги пандемия шароитида мамлакатимиз мавқеини жаҳон миқёсида янада кўтариш учун халқаро бозорларга юқори сифатли тайёр маҳсулотларни етказиб бериб, давлатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

ЎРМАТЛИ ЎАМКАСБЛАР!

Ўртбошимиз ва халқимизнинг бизга эркин тадбиркор бўлиб, катта даромад ва фойда топиш орқали бадавлат бўлиш имкониятини бергани ва юксак ишончи учун чексиз миннатдоримиз.

Сизни ҳам жонажон Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида олдимизда турган улкан ва масъулиятли вазифаларни адо этишда сидқидилдан, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга қақирамиз!

Шундай шарафли йўлда барчангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизда чексиз муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

**Сирдарё вилоятининг
агрокластерлар раҳбарлари.**

Хоразм Вилояти

МЕҲНАТИ ҲАЛОЛНИНГ НОНИ ҲАЛОЛ

Қадим Хиванинг Саёт қишлоғидан ўтиб, кунчиқарга томон юрсангиз Каттабоғ қишлоғи бошланади. Бу тарихий ва қадимий қишлоқ Янгиариқ туманига қарашли.

Янгиариқнинг Каттабоғ қишлоғи асли ҳунарманд кулоллар юрти. Каттабоғ зангори кулолчилик мактаби ҳам худди ана шу қишлоқда яратилган. У ерда кулолчилик билан бирга тандирчилик ва ҳунармандчилик ҳам яхши ривожланган. Қишлоқда ўз ишининг усталари кулоллар ва тандирчилар билан бир қаторда деҳқончилик илмининг пири бўлмиш, илғор фермерлар, элда номдор бободехқонлар ҳам меҳнат қилишади. Ана шундай фермерлардан бири уста деҳқон Одилбек Оллабергановдир. У тумандаги "Хасалхон-Яҳё" пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг раҳбаридир.



Пахта далаларини ҳар кун бир айланмаса Одилбекнинг кўнгли жойига тушмайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Мавжуд 130 гектар экин майдонларини эринмасдан айланиб чиқди. Гарчи пахта тайёрлаш режасини барвақт адо этишган бўлсада ҳали далаларда ҳосил мўл. У қолган ҳосилни чамалаб кўрди. Яна далаларда 5 фоиздан ошиқ ҳосил боров ўйлади у. "Худого шукур режани бажариб эл-юрт олдида ҳам, раҳбарлар олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлди". Аммо шу ҳосилни бунёд этгунча қанча қийинчилик, қанчалик заҳмат чекилгани бир ўзига ва Худого аён. Айниқса, ғўза энди ҳосилга ўтирган пайти сув бўлмай қолгани Одилбекнинг ҳафсаласини пир қилганди. Ҳокимият ҳалак у ҳалак бўлиб қолди. Лекин сувдан дарак йўқ эди. Одилбек ўйлаб ўйига етолмас, боши қотган эди. Заҳкашдан олиб суғорай деса бу яқинда заҳкаш ҳам йўқ. Тўғри, Хива тумани чегарасида заҳкаш бор, аммо узоклик қилади. У ердан сувни қандай олиб келади? Фермер масофани чамалаб

кўрди. Узок, унинг устига заҳкаш жуда пастдан оқади. Нима қилиш керак? Қўл қовуштириб ўтирса ҳосилдан айрилиб қолади.

У эрталаб сувчи йигитларни йигди.

— Укалар заҳкашдан сув олиб келамиз. Насосларни ишга соламиз. Улар дарҳол ишга киришишди. Фермернинг режаси бўйича тўртта насос ишга тушди. Бир насос сувни заҳкашдан чиқариб беради. Яна биттаси унинг сувини бошқасига. Бошқаси яна...

Шундай қилиб тўртта насосдан ўтиб сув далага кирди. Бир ҳафта давомида туну кун икки навбатда иш ташкил этилиб ҳосил сақлаб қолинди. Ана шу қилинган машаққатли меҳнатлар ўз самарасини бериб деҳқонлар давлатга пахта сотиш режасини ошириб бажаришга эришдилар.

— Эл билан бўл, элингга қайиш деб такрорлашдан чарчамас эди, отам раҳматлик, — дейди Одилбек ўша даврларни эслаб. — Тўғри сўзлик, мардлик, ҳалоллик йигит кишига ярашади. Ҳа, Болтабой ота ва Хасалхон она фарзандларига ана шундай тўғри тарбия беришди. Бугун мана улар эл-юрт олдида юзлари ёруғ, ҳурмат ва эътиборга сазовор инсонлар бўлиб етишишди. 2003 йили Одилбек "Каттабоғ" маҳалласи худудида "Хасалхон-Яҳё" пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига асос солди. Дастлаб кам гектарли ер олиб иш бошлаган фермернинг йилдан-йилга иш тажрибаси ортиб, экин майдонларини кенгайтирди. Қувонарлиси шуки, ҳар йили давлат олдидаги режаларини ошиги


билан уддалаб келди. Албатта, ишлаганга яраша даромад ҳам чакки бўлмайди. Даромадлари ҳисобига техника сотиб олишди. Дала шийпони қуришди. Хуллас, бир фермерга нимаки керак бўлса ҳаммасини бадастир қилишди. Мақбуллаштиришдан олдин фермер хўжалигининг экин майдони 58 гектар эди. Бу йил кенгайиб, 120 гектарга етказилди. Шунинг 64,5 гектарига чигит эккан миришкорлар давлатга 210 тонна пахта сотишди. 24 гектар майдондаги бугдойдан 77 тонна дон олиб режа ошиғи билан бажарилди. Пиллани эса 132 фоизга уддалашди.

— Эндиги ҳаракатимиз фермер хўжалигимизни кўп тармоқли қилиш, — дейди Одилбек билан гаплашсангиз. — Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик ва асаларичилик каби тармоқларни ҳам аста-секин кенгайтираётимиз.

Фермернинг гапида жон бор. Хўжаликда Украинадан 10 бош наслдор сигирлар олиб келиниб парваришланмоқда. Ҳозирда моллар бош сони 20 тадан ошди. 50 уя асалари, 300 тадан зиёд гоз, товуқ, ўрдак, куркалар ҳам боқилмоқда. Фермернинг чиройлигина боғи ҳам бор. У ерда меваларнинг ҳамма турини учратиш мумкин. Шунингдек фермер хўжалигида беда, кунгабоқар, сабзавот ва полиз экинларидан ҳам яхши ҳосил олинди. Бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмаслик кераклигини уста деҳқонлар яхши билишади. Шу сабабли ҳам ердан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинди. Фермер хўжалигида 18 нафар доимий ишчи фидокорона меҳнат қилишади. Манфаатдорлик бор жойда ишда унум ва барака бўлади. Шу боис ҳам улар фермернинг ўти билан кириб кули билан чиқадиغان хилдан.

Пандемия даврида қийналиб қолган, кам таъминланган оилалардан 9 тасини оталиққа олган фермер уларни ҳар ойда озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Бундан ташқари, маҳалланинг яхши ёмон кунларида фермер ҳар доим камарбаста. Шунинг учун ҳам "Каттабоғ" маҳалласи аҳли Одилбекни ҳурмат қилади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



Фарғона Вилояти

"АҚЛЛИ СУВ"ГА ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги "Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг грант маблағлари доирасида Фарғона вилоятида жорий йилда 12 та сув олиш нуқталарига "Ақлли сув" қурилмаларини ўрнатиш белгиланган.

Вилоятга олинадиган сувнинг асосий қисми кўшни Қирғизистон Республикаси ва Андижон вилояти орқали кириб келади. Йиллик кириб келаётган ва чиқиб кетаётган сувларни масофадан онлайн кузатиб бориш, унинг ҳисоб-китобини аниқ юритиш мақсадида ушбу 12 та сув ўлчаш нуқталарига "Ақлли сув" ўлчаш қурилмасини ўрнатиш ишлари бўйича дастлабки қадам ташланди.

— Вилоятнинг асосий сув манбаалари бўлган Катта Фарғона каналини вилоят чегараси "Сарижуга" пости, Катта Андижон каналининг вилоят "Ёзёвон чегара" пости, Сўх дарёси, Исфайрамсойларнинг вилоят чегара постларига ва мавжуд сув омборларининг сув чиқиш нуқталарига "Ақлли сув" қурилмасини ўрнатиш учун малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ушбу жойлар тўлиқ кўздан кечириб чиқилди, — дейди Сирдарё-Сўх ИТХБ бўлими бошлиғи Абдураззоқ Кўзибоев. — Мутахассислар томонидан керакли кўрсатма ва топшириқлар берилиб, 29 октябрга қадар бу постларга "Ақлли сув" қурилмасини ўрнатиш учун барча шароитлар яратилди.

Бу ишлар амалга оширилгандан кейин вилоятга кириб келаётган сувларни ягона "Диспетчерлик хизмати" орқали кузатиб бориш, ҳисобини юритиш, тезкор маълумот олиш, олинаётган сувларнинг йиллик ҳисоботлар базасини яратиш имконияти бўлади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро вилояти

АҚШ компанияси Пешку туманида йирик лойиҳага қўл урмоқда

АҚШнинг "Trigon International INC" хорижий компанияси илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда туманда каннабис навларини етиштириш ва қўпайтириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, савдо фирмасини очиш, хавфсизлик ва транспорт инфратузилмасини таъминлаш, каннабис навларидан талаб юқори бўлган замонавий тиббий дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи кластерни барпо етиш ва сармоя киритиш мақсадини билдирган.

Хорижий компания мамлакатимиздаги сўнгги иқтисодий ўзгаришларни, хусусан, каннабис дори воситаларининг фармацевтика саноатини ривожлантиришдаги истиқболи ва кўп йиллик тажрибасини инобатга олиб, маҳаллий иқлим шароитини ўрганган ҳолда қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг инвестицион лойиҳани рўёбга чиқариш тараддутида.

Музокаралар мобайнида инвесторнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси ҳисобидан таркибда селлюлоза мавжуд бўлган экинлар (техник) каноп Агросаноат кластерига асос солиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва ундан рақобатбардош, экспортбон техник ёғ, газ ва биодизел маҳсулотини ишлаб чиқариш натижасида 500 дан ортиқ янги иш ўрнини яратилиши кафолатланмоқда.

"Trigon International INC" хорижий компанияси мутасаддилари глобал нарх-навога нисбатан рақобатбардош нархларни кўзда тутиб, лойиҳанинг айнан Пешку туманида татбиқ этилишидаги имкониятлар хусусида тўхталиб ўтдилар. Шу боис етиштирилаётган тиббий кан-




набис маҳсулотини Европа ҳамда бошқа мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилган. Лойиҳа амалга ошса, бунда йилга 16 минг литр ёғ-мой ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Шу боис каннабис ўсимлигига ишлов берувчи мутахассис – илмий ходимлар, агрономлар, фармацевтлар, лаборатория ходимлари, ферма менежерлари ва бошқа қатор мутахассисликлар бўйича жамoa шакллантирилади. Бу эса туманда ишсиз аҳоли вакиллариининг бандлигини таъминлаш омили ҳамдир.

Хорижий компания раҳбариятининг онлайн тартибда Пешку тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шохрух Амонов билан видеоконференциялаш тарзида бўлиб ўтган мулоқотида лойиҳани тезроқ рўёбга чиқариш, у билан боғлиқ тайёргарлик ишларини аяқунлаш, жумладан, маҳаллий ҳамкор "Special Electrical Mechanical Contracting" МЧЖ билан тегишли хужжатларни расмийлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН 15 ТА ДАВЛАТГА 86 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД УЗУМ ЭКСПОРТ ҚИЛДИ



Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қиймати 84,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 86,2 минг тоннадан зиёд узум маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 минг тоннага кўп.

Маълумот ўрнида, юртимиз боғларида етиштирилган узум маҳсулотининг экспорти бўйича Россия Федерацияси 39 минг тонна кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Қозғоғистон Республикасига 34,2 минг тонна, Қирғизистон Республикасига 12,1 минг тонна ва Украинага 359 тонна узум экспорт қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати.

Пойтахтимизда пандемия шароитида ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва Ўзбекистон аҳолисининг камбағаллик даражасини қисқартириш масалаларига бағишланган иқтисодчилар форуми бўлиб ўтди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан онлайн тарзда ташкил этилган тадбирда маҳаллий ва хорижлик ташкилотлар масъуллари ва мутахассислар иштирок этди.

"COVID-19" билан боғлиқ муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, пандемиянинг республика иқтисодиётига таъсирини юмшатиш борасида кўрилаётган чоралар амалий натижалар бераётгани таъкидланди.

Форумдан кўзланган мақсад жаҳон иқтисодиёти турли талафотларни бошдан кечириётган ва иқтисодий инқирозлар юз бераётган айна шароитда ҳар бир мамлакат, ҳудуд, корхона, тадбиркор ва аҳоли иқтисодий жиҳатдан ўзини қандай ҳимоя қилмоғи кераклиги ҳамда пандемия келтириб чиқараётган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни ҳал этиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Халқаро форумда мутахассислар пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини прогноз қилишда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш чоралари ва механизмларини такомиллаштириш, рақамлаштириш шароитида камбағалликни камайитириш омили сифатида янги саноат ва реал секторни ривожлантириш, бандлик ва аҳоли фаравонлигини ошириш, хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамасига эътибор қаратди.

– Нуфузли халқаро ташкилот вакиллари иштирокидаги форумда пандемия шароитида иқтисодий вазият ҳақида зарур маълумотларга эга бўлдик, – деди Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги департамент бошлиғи Илҳом Маматқулов. – Вазирлик томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган "яшаш минимуми" ва "минимал истеъмол саватчаси"ни ҳисоблаш услубиёти лойиҳаси БМТТД, Жаҳон Банки ва Осиё тараққиёт банки ҳамда маҳаллий экспертлар билан муҳокамадан ўтказилган ҳолда такомиллаштирилади. Концепцияда яқин истиқболда амалга оширилиши белгиланган устувор вазифалар – 2030 йилга қадар аҳолининг ўта қашшоқлик даражасини бартараф этиш, камбағалликни 2030 йилда 2017 йилга нисбатан 2 бараварга қисқартириш ҳамда ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятини камбағалликни қисқартириш учун сафарбар этиш йўллариини ишлаб чиқиш, жумладан, пандемия шароитида фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналар фаолиятини тиклаш учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон банки вакили Эскендер Трушиннинг таъкидлашича, Ўзбекистонда давлат молиявий бошқарувини ислох қилиш ҳолати халқаро миқёсда энг яхши амалиёт даражасидадир.

– 2017-2019 йилларда Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиёт, жамият ва давлатни ўзгартиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишни бошлади. Ислохотлар жараёнида давлатнинг товар ва хизматларнинг эгаси, бошқарувчиси ва ишлаб чиқарувчиси сифатида иқтисодиётдаги роли ўзгариб бормоқда. Ислохотлар кун тартиби ички ва ташқи таъсирларга қарши хавфсизлик ёстиқчаларини яратадиган ва иқтисодий ўтиш даврида заиф уй ҳўжалиklarини қўллаб-қувватлайдиган ишончли макроиқтисодий сиёсат билан асосланади.

– Давлат бюджетини тўғри сарфлаш, ошқоралик ва давлат молиясини бошқариш институтларини такомиллаштириш юқори сифатли хизматларни кўрсатиш, макроиқтисодий барқарорликни ва кучли иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жуда муҳимдир. Яқинда ўтказилган солиқ ислохоти солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигини соддалаштирди ва бир қатор солиқ ставкаларини давлат даромадларига хавф туғдирмасдан пасайтирди, – деди Э.Трушин.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.**



Навоий ВИЛОЯТИ

“ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ”



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 октябрь кунни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган масалалари бўйича вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳамда Навоий шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ташаббуси билан Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Ёш тадбиркорларга кўмакдошмиз” мавзусида очик мулоқот ташкил этилди.

Навоий шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудир О.Раҳмонов, Навоий шаҳар халқ депутати С.Ғафоров, вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари Г.Норова, Савдо-саноат палатасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Иброҳимов, Ўзбекистон

Республикаси Давлат активларини Бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Шарипов, “Марказий банк” вилоят бош бошқармаси масъуллари, шаҳарда тадбиркорлик фаолиятида турли тўсиқ ва муаммоларга учраб келаётган хотин-қизлар ҳамда ёшлар ва ви-

лоят оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Мулоқотда камбағалликнинг олдини олиш бўйича ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, турли соҳа ва йўналишларда тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда хотин-қизлар ўртасида энг яхши бизнес-лойиҳалар бўйича танлов ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқот очик савол-жавоб асосида ўтказилиб, хотин-қизлар томонидан йўлланган барча таклиф ва муаммолар ҳамкор ташкилотлар иштирокида атрофлича ўрганилди, уларни ижобий ҳал этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси белгилан олindi.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Андижон ВИЛОЯТИ

ҒАЛЛА ҲОСИЛИ УЧУН МУНОСИБ ЗАМИН ҲОЗИРЛАНДИ

Андижон вилояти Бўстон туманидаги “Сайёра фаввораси” хусусий корхонаси пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерида ғалла экиш ишлари ташкил этилди.

Бу борада қишлоқ хўжалиги кластерининг тажрибали агрономлари экилаётган ғалла уруғларининг сифатига эътибор бериш кераклиги тўғрисида бугдой экиш бўйича масъул бўлган ишчи ходимларга тегишли кўрсатмалар бердилар ва шундан сўнг бугдой экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Кластер корхонаси томонидан режа бўйича 684 гектар экин майдони 2021 йил ғалла ҳосилини яра-

тиш учун ажратилган бўлиб, айти пайтгача корхона тасарруфидаги экин майдонларининг ғўза қатор ораларига ғалланинг “Гром” ва “Васса” навлари жойлаштирилди.

Бугун суғорилган ғалла майдонларида бугдой майсалари униб қикди. Шу боис, эндиликда бугдой майсаларини минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари олиб борилмоқда.

Илҳомжон ТОЖИБОВ

Наманган ВИЛОЯТИ

ТЎРАҚЎРҒОНДАГИ “ОҚТОШ ТЕКСТИЛЬ” КОРХОНАСИДА 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ


Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразақов Тўрақўрғон туманининг асосий экспортчи корхоналаридан бири бўлган “Оқтош текстиль” МЧЖда бўлди.

Айни пайтда бу ерда 400 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонада қиймати қарийб 10 миллион АҚШ доллари тенг янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бундан 4,4 миллион доллари банк кредити ҳисобига қопланиши кўзда тутилган.

Лойиҳа тўғрисида амалга оширилганидан сўнг йилига 5300 тонна момиқ тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва маҳсулотлар Европа давлатлари, Туркия, Россия, Украина ва Беларусга экспорт қилиниши кутилмоқда.

Бу билан 1200 та янги иш ўрни яратилади, йилига 20 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

Вилоят ҳокими шу жойнинг ўзида мутасаддиларга корхонанинг кредит билан боғлиқ масалаларини тезлик билан ҳал этиш юзасидан топшириқ берди.



ЮРТДОШЛАРИМИЗ 52 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ҚОВУН ЭКСПОРТ ҚИЛДИ

Жорий йилнинг октябрь ҳолатига кўра, қиймати 20,3 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 52 минг тоннадан зиёд қовун маҳсулоти экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32,4 минг тоннага кўпдир.

Аҳоли бандлиги масалалари ҳар доим жамиятимизнинг эътибор марказидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг илк мустақиллик йилларида биринчи қабул қилинган қонунлар қаторида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг борлиги фикримизга яққол мисол бўла олади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ -

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЭЪТИБОР

МАРКАЗИДАГИ МУҲИМ МАСАЛА

Мазкур қонун 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат кодексидан олдин қабул қилинган эътиборлидир. Қисқа вақт ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлиб, миллий қонунчиликда акс этилиши лозим бўлган бир қатор халқаро шартномаларга имзо чекди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг янги иқтисодий шароитлари ва ривожланиш жараёни аҳоли бандлиги соҳасида янгича усул ва ҳуқуқий механизмларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Шу муносабат билан, 1998 йил 1 май куни ушбу қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Мазкур қонун билан давлат кўмағида ишсиз шахсларни ишга жойлаштиришнинг аниқ тартиби ҳамда давлат томонидан кафолатлар белгиланди. Шунингдек, аҳоли бандлиги соҳасида давлат бошқарув органларининг фаолият йўналишлари кўрсатиб берилди.

Йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида амалда бўлган ушбу қонун албатта, жамиятимизда иқтисодиёт ва тadbirkorлик ривожланиши, шу билан боғлиқ меҳнат бозорига жиддий ўзгаришларни қамраб олиш имкониятига эга бўла олмади. Утган вақт мобайнида амалиётда бандликнинг янги-янги кўринишлари каби нафақат иқтисодий нуктаи назардан, балки ҳуқуқий тартибга солишда ҳам турли муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Масалан, бандликнинг янги кўриниши сифатида аҳолини тadbirkorлик фаолиятига жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлашда хусусий тadbirkorлик хизматларини жорий этиш ва ташқи миграция масалалари давлатимизнинг эътибор марказида турган масалага айланди.

Албатта, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги ислохотлар жараёни аҳоли бандлигини муносиб даражада ушлаб туришда, мазкур соҳани бошқаришда ва тартибга солишда давлатнинг ролини янада ошириши тақозо этмоқда. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли

ли бандлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши ўйлаймизки, биринчи ўринда, ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун лойиҳаси устида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди, десак муболаға бўлмайди. Янги қонун нафақат ўзининг номи билан балки мазмун-моҳияти, бандлик соҳасини деярли барча масалаларини қамраб олгани билан ажралиб туради. Мазкур қонун амалдаги 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид қабул қилган 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни, тизимдаги сўнгги ислохотларни ва янги молиявий механизмларни ўзида жамлаган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, чет элдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш каби нормалар ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Шунингдек, қонунда иш бевуқининг иқтисодий мустақиллиги тамойилини кучайтириш, фуқароларни ўзини ўзи банд қилишнинг замонавий ва самарали шаклларини кенгайтириш, шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш ва иш стажини ҳисоба олишда янги ахборот тизимларидан фойдаланишга оид нормалар ўз аксини топган.

Мазкур қонунда бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий манбалари ҳисобланмиш Жамоат ишлари жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолияти белгилаб берилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур қонунда биринчи марта иш билан таъминлашнинг самарали ва истиқболли йўналишлари – касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш, миллий тизими, ишга жойлаштириш,

иш стажы ҳисобини юритиш, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларини электрон ҳисобини юритишни назарда тутувчи ягона миллий меҳнат тизими жорий этилмоқда. Уларнинг киритилиши бандликни таъминлашнинг янгича шарти сифатида эътироф этилган бўлиб, ўзимизни ички меҳнат бозорида ва чет элга ишга жойлаштиришга хоҳиш билдирган фуқароларни эгаллаган касби қараб, малакасини баҳолаш, сертификатлаш, касб ва иш жойларга бўлган талабларни аниқлаш орқали меҳнат миграциясини тартибга солиш, яъни чет элдаги фуқароларимиз учун манфаатли бўлган меҳнат бозори тўғрисида тўлиқ маълумот тўплаш ва олишга имкон беради. Мазкур қоидаларни қонун билан белгиланиши юқори малакали, энг долзарб касбларга эгалик қилувчи, ўсиб бораётган касб ва малака талабларига мос бўлган мобил ишчиларни тайёрлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат ва иқтисодий муносабатларга интеграциясини таъминловчи шарт сифатида кўриш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Албатта, қонунни ишлаб чиқишда тегишли халқаро тажриба чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган. Чунончи, меҳнат ва бандлик соҳасида умумэътироф этилган халқаро конвенциялар ва бошқа шартномалар, Германия, Франция, Ирландия, Испания, Туркия, Эстония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Қозғоғистон, Озарбайжон, Беларусь ва бошқа давлатларнинг тегишли қонунчилик тажрибаси ўрганилган.

Мазкур қонун асосида бандлик соҳасини асосий параметрларига муҳим таъсир қилувчи комплекс институционал ва иқтисодий шароитлар, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва фойдаланиш назарда тутилган. Ушбу шартлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-

ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этилиши билан боғлиқ.

Маълумки, 2020 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Сенаторлар томонидан мазкур қонуннинг муҳокамаси жараёнида аҳоли бандлигини таъминлашда замонавий касбий ва меҳнат стандартларини жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини тартибга солиш ва такомиллаштириш масалаларига эътибор берилган. Қонунда биринчи марта иш билан таъминлашнинг самарали ва истиқболли йўналишлари – касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш, миллий тизими, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларини электрон ҳисобини юритишни назарда тутувчи ягона миллий меҳнат тизими жорий этилиши қайд этилди. Шунингдек, сенаторлар томонидан қонуннинг тўғридан-тўғри нормалари ички ва ташқи меҳнат бозорини самарали тартибга солиш механизмни жорий этиш имкониятига эга эканлиги алоҳида эътиборга олинган.

Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, қонун амалиётга биринчи марта янги жорий қилинадиган институт ва тушунчаларга бой. Уларни қонунда баён этилиши бандлик соҳасини бошқариш билан боғлиқ фаолият кўрсатувчи профессионал мутахассисларга тегишли бўлиб оддий фуқароларни тушуниши учун мураккаб бўлиши эҳтимоли бор. Лекин замонавий халқаро меҳнат стандартлари ва янгича ташкилий механизмлар мураккаб ибораларни қамраб олгани сабабли қонун, албатта, ушбу стандартларга мос келиши табиийдир. Шу муносабат билан, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуни нормалари аҳолига янада аниқ ва тушунарли бўлиши учун зудлик билан қонунга шарҳ тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуни иш ўринларини яратиш орқали фуқароларимизни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга, шу орқали, уларнинг ҳаётий фаровонлигига эришиш имкониятини беради, деган умиддамиз.

Бахтиёр УМАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси,

Айбек ГАНИБАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими.

ЎЗА

ЭНГ КУЧЛИ БОКСЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги "Универсал" спорт саройида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати якунига етди.

Мусобақада умидли спортчиларимиз 15 вазн тоифасида рақобатлашди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва бокс федерацияси томонидан ўтказилган чемпионатда Мирали Мавлонов, Суннат Ёқубов, Ҳожиакбар Маҳмудов, Хуршид Авазов, Абдуллоҳ Мадаминов, Умидullo Абдурасулов, Далер Бозоров, Жаҳонмурод Имомалиев, Аслиддин Бобоев, Фазлиддин Эркинбоев, Муҳаммадсобири Аловуддинов, Раҳматулло Бойматов, Самандар Жалолов, Абдулҳофиз Муҳаммадинов ва Мирзакан Аҳмедов олтин



медални қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 3 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалларини жамғарган Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Кучли учликдан эса Наманган ва Андижон вилоятлари боксчилари жой олди. Бухоролик Далер Бозоров эса мусобақанинг энг яхши спортчиси деб топилди.

– 75 кг вазн тоифасида барча рақибларимни енгиб, мамлакат чемпиони бўлганимдан хурсандман, – деди Самандар Жалолов. – Мусобақа давомида ҳар бир жанг мен учун оғир ўтди. Бироқ, мураббийларимнинг ўз вақтида берган тўғри кўрсатмалари сабаб ғолиб бўлдим.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли манзаралари билан танишиш истагида бўлсангиз,

"Qishloq hayoti"

ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА
БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек, таҳририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ – 144

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43,
233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz


РЕКЛАМА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Махсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жамшид ХҲАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ахтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1025, ҳажми 3 босма табоқ,
Офсет усулида босилди, қороз бичими А-3.
Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
1 977 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123456

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.50